

Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун

9 - 22 / 2 -сонли шартнома

2022 й. «4» 8

430-5-72-ХТ/2022-сон

Кизилтепа ш.

Кизилтепа туман ХТБ келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан раҳбари У.Т.Камолов бир томондан «Обод Инвест Лойиҳа» МЧЖ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номида раҳбар З.Усмонова иккинчи томондан мазкур лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш ишлари бўйича шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Кизилтепа туман ХТБга карашли 15-сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўзиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёрларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қуйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
 - асослаштирилган келишув баённомаси 2-иловага мувофиқ;
 - лойиҳа ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади.
- Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосидан тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиҳа-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ў вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қуйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 2 нусхада лойиҳа-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунда ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади. Томонлар ўзаро келиша олмаганд шартнома фақат тегишли судга мурожат қилиш орқали тўхтатилиши мумкин.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси – **7 150 00 (етти миллион бир юз эллик минг) сўми**ни ташкил этади.

4.2. Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштириувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тўловни амалга ошира олмайди.

4.3. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 (с) миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари мувофиқ, шунингдек шахарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-0) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи

Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиққан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иктисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақ кечиктирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги

юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисоди судида кўриб чиқилади.

7. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР.

7.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилда “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд миждозлар ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, тақлифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулк имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини тақлиф қилмасликни бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

8.1. Ушбу шартнома имзоланиб, Қизилтепа туман Ҳазначилик бўлимида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга кириши ва у ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилганга қадар, узоғи билан 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»

Кизилтепа туман ХТБ
Манзил: Кизил тепа туман
тел. _____
ШХВ : 100022860122167092100075088_
ИНН 200017201 ОКОНХ _____ ОКЭД _____
Кизилтепа тумани буйича Ҳазначилик булинмаси
Х/р: 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент шаҳри
МФО 00014 ИНН 201122919



Рахбари _____ У.Т.Камолов
(муҳр, имзо)

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

«Обод Инвест лойиха» МЧЖ
Манзил: Бухоро вилояти Гиждувон тумани
Ф.Хужаев МФЙ Мукүмий куча 101/1 уй
Тел. 95-600-21-00
Х/р 20208000205180829001
Банк номи: “Микрокредит банк Гиждувон
фил
МФО :00104 ИНН :307145597
ОКОНХ _____ ОКЭД _____



Директор _____ З.Усмонова
(муҳр, имзо)

Бажариладиган ишларнинг календар
РЕЖАСИ

Объектнинг номланиши

Кизилтепа туман ХТБ асосан бажарувчи «15-мактаб биносини» жорий таъмирлаш объекти буйича лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш

| Бажариш муддати | |
|-----------------|--------------|
| Бошланиши | Тугаши |
| _____ 2022й. | _____ 2022й. |

«БУЮРТМАЧИ»

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

Кизилтепа туман ХТБ

«Обод Инвест Лойиха» МЧЖ

Рахбар  У.Т.Камолов

Директор  З.Усмонова



2022 йил 04.08 даги
№8-22/3-сонли шартномага 2-илова

Шартнома баҳосининг келишув
Б А Ё Н Н О М А С И

Биз қуйида имзо қўювчилар: Бажарувчи, «Обод Инвест Лойиха» МЧЖ Кизилтепа туман ХТБ асосан бажарувчи «15-мактаб биносини» жорий таъмирлаш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачининг топшириғига асосан ишлаб чиқишни ўз зиммасига олади.

Ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил 04.08 даги № 9-22/2 -сонли шартнома баҳосини

7 150 000 (етти миллион бир юз эллик минг) сўмга тенг деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

«БУЮРТМАЧИ»

«ИШ БАЖАРУВЧИ»

Кизилтепа туман ХТБ

«Обод Инвест Лойиха» МЧЖ

Рахбар  У.Т.Камолов


Директор  З.Усмонова


ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ СМЕТАСИ

Лойиҳа ишларининг номи: «Кизилтепа туман ХТБ асосан бажарувчи “15-мактаб биноси” жорий таъмирлаш объекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш.

Буюртмачи: Кизил тепа туман ХТБ

Бажарувчи: «Обод инвест лойиҳа» МЧЖ

| Объектнинг номи | Ҳисоблаш | Нархнинг умумий ҳисоби |
|--|--|-----------------------------------|
| Кизилтепа туман ХТБ асосан бажарувчи “15-мактаб биноси” жорий таъмирлаш объекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва давлат экспертизасидан ўтказишни буюртмачининг топшириғига асосан бажарувчи ишлаб чиқишни ўз зиммасига олади. | Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қиймати аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 3180-сонли буйруғига асосан объектнинг мураккаблик даражаси 2 тоифага киради. Қурилишнинг тахминий даражаси, мураккаблик даражасига қараб, ўртача 2,9 % ни ташкил этади. Ҳисоблаш учун тахминий 2,85 % қабул қиламиз. | 248 957 000 x 2,9% = 7 200 000 |
| <u>216484347сўм</u> | | 7 150 000 |
| <u>ҚҚСсиз</u> | | |
| <u>ҚҚС 15%</u> | | Без НДС |
| <u>Жами</u> | | 7 150 000 |

7 150 000

Нархи сўз билан: 7 150 000 (етти миллион бир юз эллик минг) сум ҚҚС сиз.

«Обод Инвест лойиҳа» МЧЖ
директори:



З.Усмонова

З.Усмонова.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING
QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

1. Loyihaning turi:
Shartnoma.
2. Loyihaning nomi:
Haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi.
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot:
Qiziltepa tuman Xalq ta'lim bo'limi. 2022.02.08

Huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

XULOSA:

Qiziltepa tuman Xalq ta'lim bo'limi va «**Obod Invest Loyixa**» MChJ o'rtasida tuzilgan **7 150 000 so'm**lik Qiziltepa tuman XTBga qarashli 15-sonli maktab binosini ta'mirlash uchun smeta hujjatlarini tayyorlash bo'yicha shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsult



M.Ro'ziyev
2022.04.08

04.08.2022 даги

Обод инвест лойиха МЧЖ ва Цизилтепа тумани Халқ таълими бўлими ўртасида 7150000 сўм умумий
суммага тузилган 430-5-72-ХТ/2022 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 075
Шахсий газна ҳисобварақ 100022860122167092100075088

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|------------------------|--|--|--|---------------------|
| | 4239000 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | 7 150 000,00 | | | 7 150 000,00 |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| Жами йил бўйича | 7 150 000,00 | | | 7 150 000,00 |

Жами 7150000 сўм

Етти миллион бир юз эллик минг сўм

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 2145000 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
_____ % ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____ % жорий ойнинг _____ санасигача хар ойида олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

(имзо)

Камолов Уйғун Тўлкинович

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Латипов Фаррух Фахриддинович

Ф.И.Ш.

Газначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

«__» _____ 20__ й.

«__» _____ 20__ й.